

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Педагогика ва психология кафедраси

**пед.ф.н. доценти Мадаминов Баходир Шарифжановичнинг
“САЛОМАТЛИК СОЦИОЛОГИЯСИ ФАН СИФАТИДА”**

мавзусидаги

**ИЛМИЙ
МАКОЛАСИ**

САЛОМАТЛИК СОЦИОЛОГИЯСИ ФАН СИФАТИДА

Ҳар бир муаммонинг муҳим қирраларини фан орқали намоён этиш барчага маълум. 1930 йили таниқли рус олим В.И.Вернадский томонидан илгари сурилган ўзига хос ғоя мавжуд эди. Унга кура: "Биз энди фанга эмас, кўпинча муаммоларга мутахассислашиб бормоқдамиз" [1, б.56].

Замонавий жамиятнинг тараққий этиб бориши соғлиқни сақлашдаги долзарб ижтимоий муаммога тўқнаш келмоқда. Нима учун социал муаммо? Негаки инсоннинг соғлигига бевосита жиддий таъсир кўрсатадиган ҳолатлар, бугунги кунда оиласидаги ташвишлар, таълим тизимидағи тартибсизликлар, иқтисодий ва сиёсий жараёнлардаги қонунларнинг пала-партишлиги, жамиятдаги маънавий ҳамда маданий меъёрларнинг таназзулга учраши кабилар сабаб бўлмоқда.

Шунингдек, сўнгги йилларда ижтимоий ҳаётда миграцион вазиятнинг авж олиб кетиши, ахборот хуружларига дош бера олмаслик, ишсизлик каби омиллар зам социал касалликларни келтириб чиқармоқдаки, бундай вазиятларда клиник тиббиёт бирон бир натижага эришиш учун кўп ҳолатларда ожиз қолмоқда. Ривожланган ҳорижий мамлакатларда бу масаланинг моҳиятини чуқур англаб етган мутахассислар, XX асрнинг ўрталарига келиб саломатлик социологияси фанини алоҳида илмий йўналиш сифатида такомиллаштира бошладилар.

"Саломатлик социологияси" бўйича ёзилган илмий мақола ва асарларда тиббиёт патологияси ва саломатлик социологияси услубларига доир муаммолар алоҳида ўрин тутадиган бўлди. Натижада микдорий жиҳатдан бу каби мақолаларнинг таркибини ошиб бориши саломатлик социологияси йўналишини аста-секин вужудга келиши учун имкон бера бошлади. Маълум вакт ўтгач ушбу йўналишга оид социологик услубиёт, назария, гипотеза ва парадигмалар ўз-ўзидан шаклланди. Бу ҳолат ижтимоий шарт-шароитларни тиббиёт билан боғлаб таҳлил этишга чорловчи "саломатлик социологияси" соҳасини вужудга келтирди.

Халкаро соғлиқни сақлаш ташкилоти (ХСТ) томонидан қабул қилинган

Низомнинг социологик жиҳатларига эътибор қаратиладиган бўлинса, соғлиқ - бу жисмоний, руҳий ва ижтимоий жиҳатдан соғлом турмуш тарзидир. Бунда нафақат бетоб ёки ногирон бўлиб қолиш, ҳаттоқи атроф-муҳитга нисбатан қайсиdir даражада носоғлом ҳолатни вужудга келишининг ўзи тиббиёт билан социологияни ҳамкорликдаги илмий изланишларга ундашга сабаб бўлмоги лозим. Негаки инсонлар саломатлиги учун бу икки йўналишнинг маъсулияти бир хилдир. Шу жумладан бозор муносабатлари шароитида, жамиятда юзага келган янги ижтимоий муаммолар олдида (демографик вазият, ишсизлик, иқтисодий танглик, бозор муносабатларига кўникманинг йўқлиги) вужудга келаётган социал касалликлар (юрак ва асад касалликлари, камқонлилик ва бошқалар) сабабларини изчил ўрганиш учун саломатлик социологияси фанини ривожлантиришга имкон беради.

"Саломатлик социологияси" (муаллиф В.М.Нилова) деб номланган ўқув дарслигида асосий эътибор саломатлик тушунчасини оила ва давлат каби социал институт сифатида олиниши билан диққатга сазовордир. Шунингдек, саломатликни ижтимоий ҳаётдаги ўрнига тўхталар экан, муаллиф, уни социологик услублар ёрдамида таҳлил этади. У жамиятда саломатликни сақлаш учун индивидуал ва оммавий ҳолатлар таҳлил этилганлигига изоҳ бериб ўтади. Бу билан замонавий жамиятда соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя масалаларининг ҳозирги даврдаги ҳолати кўрсатиб ўтилади.

Саломатлик - бу тарбия бўлиб, у болаларнинг руҳий оламига, ҳиссиёти ва туйғуларига чуқур таъсир кўрсатади. Саломатлик муаммоси қайси жамият билан боғлиқ бўлмасин, у барибир шу жамиятга тегишли бўлган этнопсихологик томонларни ўзида мужассамлаштиради. Бунда ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашда₃ саломатлик институти этнопсихологик ва этносоциологик томонлардан таркиб топади ва ривожлантирилади.

Жамият бу инсонлар уюшмаси, оила эса унинг бир кичик бўлакчасидир. Жамият оилалардан иборатдир. Оиласиз жамият юзага кела олмайди, оила эса бирон-бир гурӯҳ ёки жамиятга бирлашмай иложи йук.

Оила муқаддас даргоҳ. Унда жамиятда юз берадиган барча ўзгаришлар ўз аксини топади. Саломатлик аҳамияти айнан оила билан чамбарчас боғлиқдир.

Хориж давлатларида юқорида таъкидлаганимиздек, саломатлик социологиясига алоҳида эътибор қаратилади. Шу сабабли ҳам ушбу муаммони ҳар томонлама батафсил ўрганиш учун социологиянинг бир қатор тармоқ йўналишлари, хусусан оила социологияси, ҳукуқ социологияси, фан социологияси, таълим социологияси, дин социологияси каби соҳалари унга батафсил тўхталадилар. Тадқиқотчи К.Винтер ўзининг "Врачлар учун социология" деб номланган монографиясида фикр-мулоҳазаларида бир неча маротаба тиббиётнинг социал гигиена билан мустаҳкам мутаносибликда эканлигини билдиради. Тиббиёт социологиясини социал гигиенанинг мантиқий давоми сифатида қарап экан, К.Винтер, шунингдек, социал гигиена (социал медицина) тарихини ҳам тиббиёт социологияси сифатида ўрганишни таклиф этади. Айниқса, у Иоганн Петер Франкнинг "Алоҳида тиббиёт полицияси тизими" асарини юқори баҳолаб туриб, айтади: ушбу тўқиз жилдлик асар ўша даврнинг саломатлик ва касаллик тарихига оид билимларни берувчи биринчи муҳим асардир. К.Винтер фикрини давом эттира туриб, "социал тиббиёт" тушунчасини биринчи марта 1848 йили фанга олиб кирган тадқиқотчи, бу француз олими Ж.Гуерин (J.Guerin)дир. Бу билан у аҳолининг жисмоний ва руҳий ҳолатини мавжуд қонунчилик ўртасида, шунингдек саломатлик ва беморлик ўртасидаги алоқаларни ўрганадиган бошқа социал институтлар доирасида ҳам таҳлил этади. Натижада, К.Винтер саломатликни тиклаш ва касалликни даволашнинг қатор социал қоидаларни илгари суради. К.Винтер фикрига кўра, Ж.П.Франк (J.P. Frank) ва Ж.Гуерин асарларида саломатлик ва беморликнинг ижтимоий шаклларини ўзида жамлаган юксак фикрларнинг юқори даражадаги баҳосини кўради.

XX асрнинг 50-60 йиллари мобайнида бўлиб ўтган социологларнинг халқаро даражадаги қатор тадбирларида саломатлик социологияси йўналишида асосий долзарб муаммолар қўйидаги мавзуларда

кўтарилиганинга гувоҳ бўлиш мумкин: касалликларнинг вужудга келиши, кучайиб бориши ва назоратдан чиқиб кетиш механизмларининг ташки омиллари (урбанизация, саноатдаги санитар-техник шарт-шароитлар, даволаш ҳолатлари ва бошқалар); турли ижтимоий гурухлардаги касалликларнинг сабабларини таҳлили; турли оғоклантирувчи колатларнинг бакоси; даволовчи, биринчи ёрдам курсатувчи муассасаларнинг фаолиятини таклили; аколи орасида касалликлар шаклланишида жамиятнинг тутган урни ва бошқалар.

Даркакикат 50-60 йиллар мобайнидаги даврий нашрларда, илмий жамиятларнинг йигилишларида, университетлардаги кафедраларда тиббиётнинг социал муаммоларига оид долзарб мавзуларда илмий бакс-мунозаралар куплаб утказиладиган булинди, булар каторида; тиббиётнинг социал ва биологик узаро алокадорлигини роли, социал гигиенанинг жамиятда тутган урни ва роли, тиббиётнинг фалсафий масалалари, халк саломатлиги ва социология, замонавий тиббиётнинг социологик муаммолари ва бошқалар.

Тиббиёт (саломатлик социологияси)нинг Европа мамлакатларида биринчи жаҳон урушидан сўнг жадал суръатлар билан ривожланган даври бўлди. М.Суссер (M.Susser) 20-йилларда социал тиббиётда социологик тадқиқотларнинг ilk бор қўлланилиши, 30-йилларга келиб эса қўйидаги асарлар ёзилганинга алоҳида эътибор қаратади: Ж.Бернардинг "Тиббиёт тараққиётида социал омиллар" (Bernard J.Stern "Social Factors in Medical Progress") и Л.Хендерсон (L.J.Henderson) нинг "Врач ва бемор социал тизим сифатида" (1935). Бир неча вақтдан сўнг тадқиқотчилар Р.Парис (R.Paris) и В.Дюнхем (W.Dunham)ларнинг шихофреник (руҳий касалланган беморлар) касалликка чалинган беморларнинг ижтимоий ҳолатини ўрганишга доир 1939 йили чоп этилган "Шаҳар касалхоналарида руҳиятнинг бузилиши" ва шу йили Х.Ровленд (H.Rowland)нинг шаҳар руҳий касалхоналаридаги беморлар палаталарида шихофрения билан кассалланганларнинг бошқа беморларга таъсир муносабатлари доирасидаги асарларини мисол тариқасида

келтириб ўтиш лозим бўлади.

Саломатликнинг социологик жиҳатларига эътибор қаратиладиган бўлинса, соғлиқ - бу жисмоний, руҳий ва ижтимоий жиҳатдан соғлом турмуш тарзидир. Бунда нафақат бетоб ёки ногирон бўлиб қолиш, ҳаттоқи атроф-муҳитга нисбатан қайсиdir даражада носоғлом ҳолатни вужудга келишининг ўзи тиббиёт билан социологияни ҳамкорликдаги илмий изланишларга ундашга сабаб бўлмоғи лозим. Негаки инсонлар саломатлиги учун бу икки йўналишнинг маъсулияти бир хилдир. Шу сабабли ҳам Ўзбекистон Республикасида саломатлик социологиясини муҳим қирраларини ривожлантириш, одамларни тушкунлик кайфиятидан олиб чиқишига кўмаклашиш, мавжуд социал ва психологик инқирозлар олдида ўзини қўлга олиш каби омилларни такомиллаштириб бориш муҳимдир. Дарҳақиқат жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, саломатлик социологияси тиббиёт ва социология соҳаларининг умумлашмаси экан, мамлакатимизда ҳам тиббиёт ходимларини ушбу фанни ривожлантиришда фаол иштирок этишга чақириш лозим бўлади.

"Социологик тадқиқотлар" ўз вақтида кенг жамоатчиликни нималарга қодир эканлигини кўрсатиб улгурди. Аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам ушбу соҳанинг ўзига хос муаммолари мавжуддир; бу хусусда социология соҳасида деярли чуқур тадқиқ этилмаган инсон соғлиги масаласи мисол сифатида ўрин олиши мумкин. Замонавий социологик адабиётларда саломатлик, соғлиқни сақлаш, тиббиёт ва унга оид масалалар бўйича қатор маълумотлар келтирилади: Жумладан, "тиббиёт социологияси", "саломатлик социологияси", "тиббиёт социологияси", "тиббиётда социология" ва шу кабилар. Мавжуд муносабатлар ҳамма вақт ҳам ўрганилаётган ҳолат юзасидан моҳиятга эга тавсифни бермаслиги мумкин. Аммо, тасвирланаётган моҳиятнинг ўзгариши ўрганилаётган муаммони батафсил таҳлил қилиш имкониятини яратиб беради. Бунинг учун ундаги бир нечта ҳолат изоҳини ўрганиб чиқиши кифоя қиласи.

Юқорида таъкидлаганимиздек тиббиёт социологиясига оид атамалар

асосан XIX аср охирида кенг қўлланила бошланган [2,б.98]. Тиббиёт социологияси - бу социологиянинг тармоқ йўналиши бўлиб, унинг ёрдамида "ижтимоий тараққиёт жараёнида ахолининг саломатлиги ва меҳнатга лаёқатлилиги, саломатлиги, бетоблиги ва тиббий ёрдамга муҳтоҷлиги билан боғлиқ масалалар социал муаммо сифатида ўрганилади". Энциклопедик луғатларда ушбу тармоқ "жамият тараққиёти босқичида, индивиднинг ҳаёт фаолияти, саломатлик масалаларини тутган роли ва ўрни, ахоли саломатлигини ижтимоий муҳофазаланганлигини ўрганувчи социологик тармоқ сифатида ўрганилади". А.В.Решетников тиббиёт социологиясига таъриф берар экан, шундай дейди: "тиббиёт социал институт сифатида, ушбу институтнинг таркибий қисмлари орқали шаклланар ва ривожланар экан, ушбу институтдаги мавжуд социал жараёнларни ўрганади" [3, б. 64-66]. Бу каби таърифлар тиббиёт социологияси "майдонини" қамраб олган бир қатор саволларга жавоб ахтаради, шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимини таҳлил этар экан, бир вақтнинг ўзида саломатлик ва у билан боғлиқ бўлган социал жараёнларни ўрганиш муҳим эканлигини уқдириб ўтади.

Тадқиқотчилар сўнгги йилларда тиббиётнинг ўзида "социетал", яъни ижтимоийлик ҳолатини тараққий этганини таъкидлайдилар. Тиббиётнинг жамиятни ҳаёт фаолиятига кўрсатаётган даражасини таҳлил этилар экан, И.Зола таъкидлайди, тиббиёт энди индивид ҳаётига тўғридан-тўғри кириб бормоқда. Шифокорлар овқатланиш тартиби, спорт билан шуғулланиш, стресслар билан курашиш тўғрисида тавсиялар бермоқда; соғлиқни сақлаш ўзига ижтимоий назорат вазифасини олмоқда; жамиятда ижтимоий онгни тиббийлаштириш ҳисобига тиббиёт ходимининг касбини ҳурмати ошиб бормоқда [4, б. 487-504].

Э.Фриедсоннинг фикрига қўра, шифокор касби энди нафакат ўз беморларига, балки эндиликда у бошқа ташкилот ва социал институтларга ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Тиббиёт касбий фаолиятнинг намунаси бўлиб қолмоқда. Шифокорлар эса ўз касби ва бошқа соҳаларда мутлақ обрў-эътибор қозонишга улгурдилар [5].

Шундай қилиб айтиш мүмкінки, мамлакатда саломатлық социологияси фанини такомиллаштириб бориш, мавжуд ижтимоий муаммоларни олдини олиш учун долзарб аҳамият касб этади.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. Добронравов Н. Социология медицины / Философская энциклопедия.- М., 1970, - т. 5, - С.98.
2. Решетников А.В. Эволюция и проблемы современной медицины // Экономика здравоохранения. - № 5,6/45 2000.- С. 64-66.
3. Zola I.K. Medicine as an institution of social control // Sociological Review, 20, 1972, - p.487-504.
4. Freidson E. Profession of Medicine: A Study of the Sociology Applied Knowledge, - NY. 2005.